



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 26 февраль, № 39 (9210)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПОЙТАХТДА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ СОҒЛОМ МУҲИТ ВА ЭКОЛОГИЯ ТАЛАБЛАРИГА МОС ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 февраль куни Тошкент шаҳрида урбанизация жараёнларини ривожлантириш ва яшил ҳудудларни кенгайтириш бўйича тақдирларни тақдироти билан танишди.

Сўнгги йилларда пойтахт иқтисодий ва агломерацияси жадал ўсиб, Тошкент шаҳрининг доимий аҳолиси 3,1 миллион нафардан ошди. Шу билан бирга, 2045 йилга бориб, шаҳар аҳолиси икки баробардан зиёдга ортиши прогноз қилинмоқда. Бу эса урбанизация жараёнларини уй-жой, транспорт-логистика, муҳандислик тармоқлари ҳамда ижтимоий инфратузилмага тўшаётган юкларга мутаносиб ҳолда ривожлантиришни талаб этади.

Шунингдек, шаҳар муҳитини соғломлаштириш ва турмуш сифатини яхшилаш мақсадида яшил ҳудудларни кенгайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Хусусан, Тошкент шаҳри ва унинг атрофида яшил зоналар майдонини уч бараварга ошириб, 25 минг гектарга етказиш, аҳоли жон бошига яшил майдонлар ҳажмини 3 квадрат метрдан 6 квадрат метргача кўпайтириш мақсад қилинган.

Утган даврда ташаббускорлар томонидан қурилиш бўйича умумий майдони 2 минг 679 гектар бўлган 85 та лойиҳа тақдироти келиб тушган. Тақдиротда ушбу лойиҳаларни комплекс қўриб чиқишнинг натижалари ҳақида ахборот берилди.

Ўрганиш давомида ҳар бир лойиҳани шахарсозликнинг ягона ёндашуви асосида баҳолаш, ҳудуднинг камида 30 фоизда яшил майдонлар ташкил этиш имконияти, реновация орқали эскирган ҳудудларни комплекс янгилаш ҳамда ер майдони 1 гектарга бўлган кичик ва зич қурилишлар амалиётидан воз кечиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўриб чиқиш якуналаридан келиб чиқиб, 18 та лойиҳани амалга оширишга рухсат бериш, 12 та лойиҳанинг ер майдони, қаватлар сони ва лойиҳа концепциясига ўзгартириш кирит-

ган ҳолда мақбуллаштириш тақдироти берилди. 54 та лойиҳани эса концептуал жиҳатдан тўлиқ қайта қўриб чиқиш зарур деб топилган.

Янгиҳаёт туманидаги “Янги авлод” махсус саноат зонасини кенгайтириш режалари муҳокама қилинди. Бунинг ҳисобига Тошкент шаҳри марказидан йирик саноат корхоналарини босқичма-босқич қўчириш, юқори қўшилган қиймат яратадиган ва экология талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқаришларни жойлаштириш муҳим экани қайд этилди.

Мақбулланган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ҳар йили қурилиш ҳисобидан қўшимча 1,5 миллиард доллар ялпи ҳудудий маҳсулот, бюджетга 3,5 триллион сўм тушумлар шаклланиши ва 260 минг иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Тақдиротда яшил ҳудудларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Лойиҳаларнинг камида 30 фоизда, яъни 400 гектарда яшил майдонлар ташкил этиш шартлиги қўриб олинди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрининг 9 та ҳудудда умумий майдони 134 гектар бўлган алоҳида яшил жамоат парклари барпо этиш режалари қўриб чиқилди ва мақбулланди.

Лойиҳалардан ундириладиган инфратузилма тўловларидан тушган маблағлар, биринчи навбатда, янги яшил ҳудудлар барпо этишга, ортган қисми эса шаҳар инфратузилмаси объектларини қуришга сарфланиши зарурлиги қўриб олинди.

Президентимиз пойтахтдаги урбанизация жараёнларини жамоатчилик манфаатлари, соғлом муҳит ва экология талаблари билан боғланган ҳолда ривожлантириш бўйича мутасаддиларга қўрсатмалар берди.

ЮК ВАГОНЛАРИ ПАРКИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛИШИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналарда юк вагонларини қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва келгуси йиллар учун режалар тақдироти билан танишди.

Мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва иқтисодий тармоқларини узлуксиз логистика хизматлари билан таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Темир йўл транспортида кенг қўламли янгиланиш жараёнлари амалга оширилмоқда. Улар соҳани тубдан модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳамда вагон паркни босқичма-босқич янгилашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2023 — 2025 йилларда қиймати 105 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида 1590 дона яримочиқ юк вагонини ишлаб чиқарилади. Бу эса ички ва халқаро ташувларда юк айланмасини ошириш, логистика заңжирларининг барқарорлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Шунингдек, 2025-2026 йилларга мўлжалланган 150 миллион долларлик янги босқичда юк ва йўловчи вагонларини ишлаб чиқариш, шу билан бирга, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидagi вагон ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа доирасида 954 дона юк ва 70 дона йўловчи вагонларини ишлаб чиқариш бошланган.

Бугунги кунга қадар ушбу лойиҳа доирасида 45 дона йўловчи вагони ва 340 дона цистерна ишлаб чиқарилиди. Жорий йил якунига қадар қўшимча равишда 614 дона юк ва 25 дона йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилади.

Келгуси йилларда юк вагонларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кескин ошириш учун яқинда Президентимиз алоҳида қарорни имзолаган эди. Ҳужжатга мувофиқ, қўшимча 100 миллион доллар маблағ ажратилиб, 1350 дона юк вагони етказиб берилди. Бунинг учун шу йилнинг ўзидa саноат корхоналари қувватларини 1,5 баробарга ошириш ва 2 мингта юк вагонини ишлаб чиқариш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари вагон паркни янгилаш, ташиш ҳажмини ошириш ҳамда харажатларни мақбуллаштириш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Ў.А.

Юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз тимсолида биз жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий кучни кўрамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИШОНЧ ВА ИМКОНИЯТЛАР ДАВРИ



Факт ва рақамлар

Куни кеча Президентимизнинг ёшлар билан мулоқотида 22 миллиондан зиёд ўғил-қизларнинг ҳар бир гоё ва ташаббуси қўллаб-қувватланиши алоҳида қайд этилди.

Жумладан, 2026 йилдан:

“Келажақ тадбиркори” дастури ишга туширилиб, ёш тадбиркорларга 7 йил муддатгача 15 фоизли кредит ажратиш йўлга қўйилади;

ҳар йили мамлакатимизда “Ёш тадбиркорлар” танлови ўтказилиб, энг яхши 100 та лойиҳани брендга айлантириш учун “Ёшлар венчур” жамғармасидан 1 миллиард сўмгача маблағ ажратилади;

“Кўмак” дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларда хорижий тил ўқув марказларининг фаолиятини кенгайтириш учун 300 миллион сўмгача фоизсиз ссуда берилади.

Ёшлар ишлари агентлигида Волонтерликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, унга ҳар йили бюджетдан 20 миллиард сўм, қўшимча равишда маҳаллий бюджетлардан 3 миллиард сўмдан йўналтирилади.

Пойтахтимиздаги Кўксарой қароргоҳида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан учрашувида келажақда катта мақсадларга дебоба бўлгувчи улкан имконларга тамал тоши қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан ҳаётий мисоллар, аниқ ташаббуслар ва янги имкониятлар, оппоқ орзулар, юксак ишонч ва мақсадларни заргарона уйғунлаштирди.

Бўлиб ўтган мулоқотнинг мазмунини оддий бир йиғилиш эмас эди. Унда йигит-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга янада кенг шароит яратиш масаласи кун тартиби марказида турди.

Жамият тараққиёти ёшларнинг кайфияти ва ҳаракатига боғлиқ. Агар уларда ишонч бўлса, мамлакат олға юради. Шу маънода, бу мулоқот давлат ва ёшлар ўртасидаги очик кўприкка айланди. Айтилган тақдирлар, билдирилган гоёлар эртанги куннинг йўналишини белгилайдиган қарорларга замин яратади. Мазкур тадбир ёш авлод ривожини йўлидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб бериши билан тарихга муҳрланиши, шубҳасиз. “Энг гуллаган ёшлик чоғимда...” саҳифасидан жой олган фикр-мулоҳазаларда шу ҳақда сўз боради.

4-саҳифага қаранг.

«АЁЛЛАР, БИЗНЕС ВА ҚОНУН» ИНДЕКСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ ЯХШИЛАНДИ

Жаҳон банкининг 2026 йилги «Аёллар, бизнес ва қонун» индекси ҳисоботида кўра, Ўзбекистон ўз ўрнини 43 поғонага яхшилаб, 100 баллдан 82,1 балл билан 190 та давлат орасида 48-ўрнини эгаллади.

Рейтинг

Хусусан, аёлларнинг иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш йўналишида Ўзбекистон “ТОП — 5” давлат қаторига киритилди. Ҳисоботда амалга оширилган қатор тизимли ислохотлар ижобий баҳоланди.

Дарҳақиқат, давлат харидлари тизимида гендерга йўналтирилган

қоидалар жорий этилди, қонунчиликка аёллар тадбиркорлигини рағбатлантирувчи нормалар киритилди, шунингдек, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат соҳасидаги айрим чекловлар қайта қўриб чиқилди.

Натижада мамлакатимиз индексининг “Эркинлик”, “Оила”, “Меҳнатга ҳақ тўлаш”, “Бола парварishi” ҳамда “Мулк ва мерос” индикаторлари бўйи-

ча максимал 100 балл тўлади. “Меҳнат” индикаторида кўрсаткичлар 50 баллдан 91,75 баллга, “Пенсия” индикаторида эса 50 баллдан 66,75 баллгача ошди.

Шу билан бирга, ҳисоботда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, меҳнат бозори имкониятларини кенгайтириш, реал ижтимоий рағбат механизmlарини кучайтириш, таълим ҳамда мониторинг тизимларини ислохотларни давом эттириш тавсия қилинди.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмиталарида

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАНАДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига парламент назорати фаолияти асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни дастлабки тарзда муҳокама қилди.

Таъкидландики, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар парламентнинг давлат ва жамиятдаги ролини кучайтириш, парламент назоратининг самарали ва таъсирчан механизmlарини яратиш, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш, судьялик лавозимларига малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда тайинлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилмоқда.

Мазкур қонун билан парламент фаолиятига оид қонун ҳужжатларига палаталар қўмиталари мажлисларида давлат органлари раҳбарларининг Консти-

туция ҳамда қонунларни, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича ахборотини эшитиш, судьялик лавозимларига сайлаш учун номзодлар дастлабки тарзда Сенатнинг масъул қўмитаси томонидан қўриб чиқилиши ҳамда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани Олий Мажлис палаталарига тақдим этишининг аниқ муддатини белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ 2025 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИ – ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодий йил”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2025 йилда бажарилиши юзасидан ҳисоботи муҳокама қилинди.

Кун тартибидagi масала бўйича Бош вазир ўринбосари — иқтисодий ва молия вазирини Жамшид Қўчқоров ахборот берди.

Мажлис аввалида ўтган йил бошида бешта асосий йўналиш ва юзта мақсадни қамраб олган давлат дастури ҳамда уни тасдиқлаш тўғрисидаги Президент фармони лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилгани, дастур давлатимиз раҳбарининг парламент палаталарида сўзлаган нутқларида илгари сурилган ташаббус ва вазифалар асосида ишлаб чиқилгани алоҳида таъкидланди.

Давлат дастури халқимиз ва мамлакатимизнинг барча аҳтиёжларини қамраб олган эди. Унда белгиланган усту-

вор йўналишлар ва мақсадлар доирасида барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлиги таъминланмоқда. Дастурнинг ҳар бир йўналиши бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, унинг натижаси халқимиз ҳаётида акс этгани айтилди.

Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитлар яратилгани таъкидланди. Жумладан, 135 та янги давлат мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилган. Бундан ташқари, 134 та давлат-хусусий шериклик асосида, 1 187 та оилавий мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилган. Натижада бу тизимга болалар қамрови 78 фоизга етказилган.

3

ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ 2025 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИ – ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА



ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Шундан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий ва маъмурий судларга мурожаат қилишда фуқаролар ва тадбиркорлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга ҳамда одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокамага тортилди.

қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Шу билан бирга, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга давлат органининг мансабдор шахси ёки вақтинчалик маъмурий суд мажлисида мажбурий иштирок этишини таъминлаш, ишончинг қуқукий ҳимояси тамойили ва дастлабки эшитув институтини киритиш назарда тутилмоқда.

Алоҳида таъкидланганидек, бундай ўзгаришлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун судларга мурожаат қилишда янада қулай шарт-шароитлар яратиш, судлар фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат органи ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича дастурлар доирасида минглаб фуқаролар касб-хунар-га ўқитилган, кредитлар ажратилган ҳамда давлат бандлигини таъминланган. Камбағаллик даражаси 5,8 фоизгача қисқарди.

Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўналишидаги устувор мақсадларга эришиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилган. Жаҳон миқёсида ишлаб чиқариш ва транспорт-логистика занжирлари узилган, хомаш ва молиявий ресурслар нархи ошган шароитда ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти ишончли ва барқарор ўсишда давом этиб, макроиктисодий юқсалишни таъминлашга хизмат қилган.

Хусусан, 2025 йилда ялпи ички маҳсулот 107,7 фоизга, жумладан, саноат — 106,8, қурилиш — 114,0, хизматлар — 108,5, қишлоқ хўжалиги 104,4 фоизга ўсган. Экспорт илк бор 33,8 млрд. долларга етган. Жами қиймати 43,1 млрд. АҚШ доллари бўлган фуқароларнинг инвестицияларини олиштириб, ўтган йилдагига нисбатан 124 фоиз ўсдишга эришилган. Олтин-валюта захираларимиз илк бор 60 млрд. АҚШ долларидан ошган.

Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг устувор йўналишлари доирасида 14 та ҳудудда ичимлик суви сифатини мониторинг қилувчи марказий лабораториялар ташкил этилиб, намуна олиш пунктлари сони 220 мингга етказилган.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 265 млн. туп даракт ва бута қўчати экилган,

“яшил боғлар” ва “яшил жамоат парклари” яратилган, 251 минг гектар “яшил қоплама” ҳимоя ўрмонзорлари барпо қилинган.

Конун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш мақсадида Президентимизнинг тегишли фармони қабул қилинган.

Маҳаллий ҳокимликлар фаолияти трансформация қилинган. Ўтган даврда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 100 дан зиёд янги хизмат ва сервислар кўрсатилиши йўлга қўйилиб, хизматлар сони 800 тага етказилган.

“Хавфсиз ва тинчликпарвар давлат” тамойилига асосланган сиёсат изчил давом эттирилиб, хусусан, халқаро ҳамкорлини ривожлантириш доирасида мамлакатимизда нуфузли анжуманлар ўтказилди. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи янада мустаҳкамланди. Шу билан бирга, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнида миллий қонунчиликни уйғунлаштириш ишлари изчил олиб борилди. Бунда парламент, хусусан, Қонунчилик палатаси ҳам фаол қатнашмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё минтақасида илк бор Самарқанд шаҳрида БМТнинг Давлат хизмати бўйича форуми, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси, Тошкент шаҳрида Парламентларaro Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси, тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми муваффақиятли ўтказилди. Мазкур тарихий тадбирлар Ўзбекистоннинг глобал дипломатия маркази сифатида обрўсини янада оширди, халқаро ҳамкорлиқни

мустаҳкамлаш, маданий ва парламент дипломатиясини ривожлантириш ҳамда глобал ташаббусларни илгари суришда муҳим платформа вазифасини бажарди.

Президентимизнинг доимий эътибори ва назорати асосида давлат дастурида белгиланган барча вазибаларнинг самараси, аввало, халқимизнинг фаровонлигида акс этаётгани таъкидланди.

Шунингдек, дастур ижроси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисларида доимий муҳокама қилиб борилган, ҳуқуқ вазирилик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этганлиги айтилди.

Давлат дастури ижросини таъминлашда кўйи палата билан ҳуқуқат самарали ҳамкорлик қилган. Қонунчилик палатасининг мажлисларида ҳуқуқат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахбороти доимий эшитиб борилган. Жумладан “Ҳуқуқат соати”, парламент сўрови ва депутат сўрови институтларидан самарали фойдаланилган. Қонунчилик палатаси Давлат назоратининг мажлисларида қўмиталарнинг маблағларининг мақсадли сарфланиши, самарадорлик индикаторларига эришиш юзасидан давлат органлари раҳбарларининг ахборотлари мунтазам эшитиб борилган.

Ҳар ойнинг охирига ҳафтада депутатлар ҳудудларда, сайлов округларига чиқиб, дастур ижросини ўрганиб, маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорликда жойлардаги масалаларни ҳал этиб боргани айтиб ўтилди.

Ахборотда келтирилганидек, қўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида давлат



дастури доирасида бажарилиши белгиланган жами 818 та топшириқдан 710 тасининг ижроси тўлиқ таъминланган, қолган бандларнинг ижроси бўйича ишлар давом этмоқда.

Депутатлар томонидан мазкур вазибалар ижросини тезлаштириш, айрим қонун лойиҳаларини қисқа муддатларда парламентга киритиш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисида тақдим этилган ҳисоботида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари, макроиктисодий барқарорлик, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани изчил ривожлантиришни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар батафсил белги қилинган айтилди. Депутатлар бунда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган фармон ва қарорлар, соҳалар кесимида илгари сурилган муҳим ташаббуслар, белгилаб берилган чора-тадбирлар дастурини ҳаётга татбиқ этишда муҳим омил бўлганини таъкидлади.

Муҳокама чоғида давлат дастури ижросини таъминлашда мутасадди вазирилик ва идораларнинг масъулиятини янада ошириш, белгиланган устувор вази-

фалар ижроси устидан самарали парламент назоратини ўрнатиш бўйича қатор тақлиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Хусусан, инвесторларга давлат хизматларини кўрсатишда қулайликлар яратиш, рақамли иқтисодиётни фол ривожлантириш, банк ва тўлов тизимларида киберхавфсизликни кучайтириш, аҳоли киритиш зарурлиги таъкидланди. Мажлисида тақдим этилган ҳисоботида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари, макроиктисодий барқарорлик, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани изчил ривожлантиришни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар батафсил белги қилинган айтилди. Депутатлар бунда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган фармон ва қарорлар, соҳалар кесимида илгари сурилган муҳим ташаббуслар, белгилаб берилган чора-тадбирлар дастурини ҳаётга татбиқ этишда муҳим омил бўлганини таъкидлади.

Муҳокама якунида давлат дастурининг ижросига оид ҳисобот юзасидан сиёсий партиялар фракцияларининг муносабатлари эшитилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ДОИР ИШЛАР САРҲИСОБИ

Мамлакатимиз парламенти юқори палатаси қўмиталарида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси кўриб чиқилмоқда. Кеча Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида Омбудсманнинг ҳисоботи тингланди.

Айтилганидек, ўтган йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил номига 26 372 та мурожаат келиб тушган. Ва 194 та таъсир чораси қўлланилган бўлиб, шундан 36 та тақдимнома, 24 та хулоса, 12 та талабнома, 4 та оғоҳлантириш ҳамда 118 та ариза ва даъво аризаси киритилган. Уларнинг 82 фоизи ижобий ҳал қилинган.

маърузаси ҳам кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, фуқароларнинг мурожаатлари ва болаларга нисбатан содир қилинган жиноятларга оид суд хабарномалари асосида Болалар омбудсмани ва унинг қотибияти ходимлари 46 та фуқаролик, жиноят ва маъмурий ишлар юзасидан судларда қузатувчи сифатида иштирок этган.

Омбудсман ва жамоатчилик гуруҳлари томонидан жазони

Шу билан бирга, 2025 йилда Болалар омбудсмани номига



ижро этиш муассасаларига 954 та мониторинг ташрифи амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ҳамда бошқа юридик шахслар томонидан 1 934 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 509 тасига ижобий ечим топилган, 708 таси бўйича эса ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва парламент назоратини кучайтириш мақсадида 2025 йилда “Тенглик ва ҳурмат” платформаси ишга туширилган. Ушбу платформа доирасида аёлларнинг реабилитация ва мослаштириш марказларида тадбирлар ўтказилиб, ўзравонликка учраган 150 нафардан зиёд хотин-қизлар билан жамоавий ва индивидуал сўхбатлар ташкил этилган.

Болалар ҳуқуқлари бўйича вакилнинг шахсий қабулида жисмоний ва юридик шахсларнинг 98 та мурожаати кўриб чиқилган.

“Омбудсман мактаби” лойиҳаси доирасида республика бўйлаб 124 та шаҳар ва туманда тарғибот тадбирлари ўтказилиб, оммавий ахборот воситаларида 4,7 мингдан ортиқ чиқишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Мурожаатлар тахлили ва мониторинг натижаларига кўра, айрим давлат органлари томонидан бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилгани аниқланган. Мазкур ҳолатлар юзасидан таъсир чоралари кўрилиб, Болалар омбудсмани томонидан 2 та оғоҳлантириш, 3 та тақдимнома ҳамда 18 та хулоса киритилган. Йил давомида бола ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар тарғиботи, бола манфаатлари ҳимоясига оид 2 239 та материал ОАВда эълон қилинган.

Мажлисида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида жамоатчилик институтлари ва давлат органлари ўртасида ҳамкорлиқни кучайтириш ҳамда парламент назоратини янада самарали ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг қўшма мажлисида Олий Мажлис Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)нинг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари томонидан ривож этилиши ҳақидаги

Муҳокама давомида масъул вазирилик ва идора вакиллари томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга доир ислохотлар самарадорлигини ошириш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Якунда қўмиталарнинг қўшма қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

АДОЛАТ ҲУҚМ СУРГАН ЮРТДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК БЎЛАДИ

Яқинда давлатимиз раҳбари иштирокида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан видеоинтервью йиғилиши ўтказилди, унда ҳуқуқ-тартибот тизими пойтахтдаги янгиликларга мос ишламаётгани танқид қилинган эди.

Акс садо

Айрим туманларда оилавий ўзравонлик, талончилик, безорилик, боқинчилик ҳолатлари кўпайиб бораётгани тилга олиниб, масъул идоралар бундай жиноятларга қарши курашишда янгица ёндашувни жорий қилиши зарурлиги алоҳида қайд этилди. Шу билан бирга, уюшган жиноятчилик, наркотиқчилик, кибержиноятчилик ва “яширин иқтисодиёт” бўйича жиноятчилик олиш зарурати кўрсатиб ўтилиб, ушбу 4 та йўналишда мутлақо самарали тизим яратилиши, бу жараён, аввало, Тошкент шаҳрида бошланиши маълум қилинди. Жумладан, хавфсиз муҳит яратиш борасида “пойтахт намунаси” жорий этиладиган бўлади.



Албатта, йиғилишда кўтарилган масалалар оидий вазибалар эмас. Улар пойтахтимизда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари содир этилишининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қисқача айтганда, мамлакат тараққиётига дахлдор вазифалар, десак, айна ҳақиқат.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп

Сир эмас, бир жиноятнинг олдини олиш ёки фож этиш ҳеч қачон бир киши иштирокида бўлмайди. Бу жараён бир неча идоралар ҳамкорлигида амалга оширилади. Бу эса “Ҳамкорликда ҳикмат кўп” деган нақлнинг нақадар ҳаётий эканини яққол кўрсатади.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазибалар ижросини таъминлашда нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки маҳалла, умумтаълим мактаблари, олий таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг ҳамкорлиги гоё муҳим.

Албатта, Президентимизнинг йиғилишда берган топшириқларини сўзсиз бажариш, қолверса, маҳаллаларда тинчлик ва оқоилишликни таъминлаш, жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ўзимизга аниқ “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, шу асосда тизимли ишлар йўлга қўйилди. Айниқса, туман прокуратураси томонидан тузилган алоҳида дастур шунчаки қозғоғдаги режа эмас, балки жорий йилда криминоген вазиятнинг чуқур тахлилига асосланган аниқ амалий ҳаракатлар стратегияси бўлади, десак, муболаға эмас.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда “қизил” ва “оғир” тоифадаги маҳаллаларни “яшил”га олиб чиқиш устида қатъий иш олиб бориляпти. Маҳаллалардаги оғриқли нутқалар ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Рақамларга тўхталадиган бўлсак, туман

нимизда 51 та маҳалла мавжуд. Улардан 13 таси “яшил” тоифага кирган бўлса-да, 36 таси “сарик”, 2 таси эса “қизил” тоифада турибди. Аммо мана шу “қизил”даги иккита маҳалла ҳам биз учун кўп, буюм оғриқли нуқтамиз. Худудимизда умуман “қизил” тоифадаги маҳалла бўлмаслиги керак. Бунинг учун эса барча имкониятларни ишга солишимиз, аввало, соҳада назорат билан бирга, маҳалла ва кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлиқни кучайтириш зарур деб ҳисоблаймиз.

“Маҳалла еттилиги” билан ҳамжиҳатлик самараси ўлароқ йилдан-йилга туманимизда жиноятлар сони қисқаришига эришилди. Эндиликда асосий эътиборимизни “прокурор назорати” тамойили асосида ҳар бир хондонга кириб бориб, ишсизлик ҳамда ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларни жойида ҳал этишга қаратамиз. Зеро, маҳалладаги тинчлик — юрт оқоилишлигини гарови.

«Виртуал никоб»га қарши курашишда янгица ёндашув

Бугун жиноятчилик тушунчаси фақат кўча-кўйда содир бўладиган ўғирлик ёки безорилик билан чекланмай қолди. Рақамли технологиялар асрида жиноятчилик ҳам “виртуал никоб” тақиб, ўз қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Осон пул топиш ҳаракатида бириккан тўдалар боғлашиб, жиноятнинг янги усул ва воситалари пайдо бўлмоқда.

Шайхонтоҳур туманида кейинги йилларда умумий жиноятчилик кўрсаткичлари камайгани қувонарли ҳол, албатта. Бироқ барчамизни хушёр тортишга мажбур қилган яна бир жиҳат борки, бу ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятлар ўтган йилдагига нисбатан кескин ошгани билан боғлиқ. Бу минглаб ҳамюртларимизнинг ишонувчанлиги ортдан ўз маблағларини йўқотиши, оилавий бюджетга етказилаётган жиддий зарардир.

Ҳўш, кескин авж олаётган мазкур вазиятга қарши қандай курашамиз? Бу борада нималарга эътибор қаратишимиз лозим? Айни йўналишдаги ишларни қайта кўриб чиққан ҳолда эндиликда фаолиятимизни “Киберхавфсизлик ва рақамли имунитет” тамойили асосида тизимли ташкил этишга устувор аҳамият қаратаямиз.

Бу борада мутлақо янги кураш механизмлари жорий этилмоқда.

Биринчиси — “Рақамли гигиена” тарғиботи. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кибержиноятларнинг аксарияти фуқароларнинг соддалиги ёки етарли билимига эга эмаслиги сабабли юз бермоқда. Шу боис прокуратура органи банк муассасалари ҳамда фаол жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш бўйича кенг камровли кампанияни бошлади. Мақсадимиз ҳар бир фуқарога банк картасининг SMS-кодларини ҳеч кимга бермаслик, шубҳали хавоаларга кирмаслик ва интернетдаги “осон даромад” ваъдаларига ўчмасликни тушунтириш орқали уларда “рақамли имунитет”ни шакллантиришдир.

Иккинчиси — тезкор реакция тизими. Виртуал ўғирликларга чек қўйишда вақт омилли энг муҳим саналади. Шу сабабли туман ИИО ФМБ таркибида кибержиноятларга қарши курашиш бўйича махсус гуруҳлар фаолияти кучайтирилди. Эндиликда жабранувидан ариза тушган заҳоти банк ҳисоб рақамларидаги шубҳали операцияларни зудлик билан тўхтатиш ва маблағларни “музлатиш” бўйича банклар билан электрон ҳамкорлик механизми йўлга қўйилмоқда.

Учинчиси — замонавий технологиялар интеграцияси. Жиноятчилик виртуал оламда ҳаракат қилса-да, ўғирланган маблағларни реал ҳаётда нақдлаштиришга уринадди. Туман ҳудудидаги камералар ва улардаги мавжуд бўлган “Face ID” (юзни таниш) тизими имкониятларидан фойдаланган ҳолда банккоматлар орқали жинорий йўл билан топилган пулларни ечиб олаётган шахсларни аниқлаш ва ушлаш чоралари кўрилмоқда.

Айтиш жоизки, бундай янгица ёндашувлар нафақат туманимиз қўчалари, балки интернет кенгликларини ҳам аҳоли учун хавфсиз ҳудудга айлантиришга хизмат қилади.

Хотиржамликка ўрин йўқ

Жамият ҳаётини бугунги кундаги маҳалла ҳаётини кучайтириш бўлмас масалалардан бири. Йиғилишда давлатимиз раҳбари ушбу муаммага ҳам урғу бериб, наркотиқчилик ва уюшган гуруҳларга қарши кураш бўйича наркотиқчиларнинг охириги манбаси ва ҳомийларига етиб бориш учун масъулларда қатъият йўқлигини танқид қилди.

Президентимиз топширигини сўзсиз бажариш мақсадида прокуратура органлари эндиликда кураш тактикасини ўзгартирмоқда. Асосий эътибор “Дорихона назорати” орқали кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний савдосига ҳамда ёшларни ўз домига тортаётган синтетик воситаларнинг интернет орқали айланмасига қаратилган. Мақсадимиз фақат жиноятчи жазоланган эмас, балки “заҳри қотин”нинг ёшлар қўлига етиб боришига йўл қўймайдиган мустаҳкам тўсиқ қўйишдир.

Биз учун ҳар бир рақам ортида инсон тақдирини ётибди. Шайхонтоҳур туманида

истиқомат қилаётган фуқароларнинг ҳар бири эртанги кунимиз эгалари, миллат генотипидир. Шу боис мактаб, лицей ва коллежларда ўтказилаётган тарғибот ишлари шунчаки маъруза эмас, балки аниқ манзилли профилактикага айланди. Қувонарликки, бу сайёҳаракатлар ўз мевасини бермоқда. 2025 йилда воёга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони ошмаган бўлса, мактаб ўқувчилари ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар нақ 40 фоизга камайган. Бу “маҳалла — оила — таълим муассасаси” занжири тўғри ишлаётганининг ёрқин далилидир.

Аммо хотиржамликка ўрин йўқ. Туман прокуратураси гиёҳвандлик дардига йўлиққан шахсларни даволаш ва ижтимоий ҳаётга қайтариш, энг муҳими, 51 мингдан зиёд навқирон авлод вакиллари ушбу баодан асраш йўлида кенг жамоатчилик билан бир мушт бўлиб ҳаракат қилишда давом этади.

Яна бир долзарб масала, бу коррупция қарши курашиш билан боғлиқ, ушбу иллатни қуритишнинг энг самарали усули — соҳада инсон омилини камайтириш ва очиклиқни таъминлаш. Шайхонтоҳур туманида бу борада амалга оширилган рақамлаштириш ислохотлари бугун ўзининг илк ва ҳаққоний натижаларини кўрсатмоқда.

Авваллари айрим ҳолатларда ҳудудий кўрсаткичларни “яхши” қилиб кўрсатиш мақсадида жиноятларни яшириш ёки рўйхатга олмастик ҳолатлари қузатилган бўлса, бугунги кунда жорий этилган “Ағона электрон тизим” бунга мутлақо йўл қўймайди. Эндиликда фуқародан келиб тушган ҳар бир мурожаат электрон базамга киритилади ва унинг ижроси прокуратура органлари томонидан онлайн тарзда қатъий назорат қилинади. Прокуратура органи бундан буюн ҳам жиноят ҳақидаги хабарларни яшириш, сансалорликка солиш ва бюрократик тўсиқлар яратиш каби иллатларга қарши муросасиз курашди. Биз учун муҳими — қонун устуворлиги ва фуқаролар розилиги.

Шубҳасиз, қонун устуворлиги — фаровон ҳаётимиз ва эртанги кунимиз кафолати. Шайхонтоҳур тумани прокуратураси жамоаси учун Президентимизнинг тарихий видеоселектор йиғилишидаги топшириқлари шунчаки хизмат вазифаси эмас, балки кечиктириб бўлмас дастуриламал ва ҳаётий мезондир. Шу маънода, бизнинг олий мақсадимиз маҳалла тинчлиги ва аҳоли оқоилишлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўлиб қолаверди. Ва бундан буюн ҳам “Қонун — устувор, жазо — муқаррар, халқ — рози” тамойили асосида туну кун фаолият юритиб, жиноятчиликка қарши муросасиз курашиш ҳамда адолатни қарор топтириш йўлида бор куч ва салоҳиятимизни сарфарбар этамиз.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Қонун устувор бўлган юртдагина адолат бўлади, адолат ҳўқм сурган жойда эса, албатта, ривожланиш ва фаровонлик бўлади”.

Акмал УСМОНОВ, Шайхонтоҳур тумани прокурори.

Жорий йил 1 июлгача тадбиркорлар ва илмий ҳамжамият ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини таъминлаш мақсадида махсус электрон платформа ишлаб чиқилади.



ЁШЛИК



ЭНГ ГҮЛЛАГАН

ЧОҒИМДА..

ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТ ҒАЙРАТИМИЗНИ ОШИРДИ

Абдулазиз МҮМИНОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари:

— Президентимизнинг ёшлар билан учрашувида белгиланган вазифалар навқирон авлодга кенг имкониятлар яратди. Масалан, “Келажак тадбиркори” дастури доирасида 7 йилгача 15 фоизли кредитлар ажратилиши навқирон авлоднинг бизнес ғояларини рўйга чиқаришда мустақкам таянч бўлди. “Менинг биринчи касбим” дастури орқали битирувчиларга ойига 2 миллион сўмгача стипендия берилиши эса уларнинг меҳнат бозорига ишонч билан кириб келишини таъминлайди. Бу ташаббуслар ёшларни қўллаб-қув-

ватлашда янги даврни бошлаб беради.

Давлатимиз раҳбарининг оталарча ғамхўрликлари шарофати билан “Кўмак” дастури доирасида 130 млн. сўмгача ва тадбиркорликни кенгайтириш учун 300 млн. сўмгача фоизсиз ссудалар ажратилиши, олис ҳудудларда солиқ имтиёзлари берилиши жойлардаги ташаббускорлар учун катта қўлайликдир. Қисқа вақт ичида 120 дан зиёд ўқув марказлари иш бошлагани бу ишларнинг самарасини кўрсатмоқда. Бу натижалар ёшларимизнинг ғайрати

ва ишончини янада оширади.

Йилига 20 минг ўсмирни келажак касбларига ўқитиш, ҳар бир туманга 500 млн. сўмгача ссуда ажратиш, лабораториялар ташкил этиш вазифаси Ёшлар ишлари агентлиги зиммасига катта масъулият юклайди. Бу топшириқлар биздан тизимли ёндашув, аниқ назорат ва юқори самара талаб қилади. Шу билан бирга, мазкур вазифалар ёшларнинг билим олиши, замонавий касб эгаллаши ва ўз келажagini барпо этиши учун кенг йўл очди.

Биз ушбу ишончни оқлашни ўз олдимиизга қатъий мақсад қилиб қўйдик.



ҲАР БИР ИҚТИДОР МЕҲРДАН КУЧ ОЛАДИ

Умарбек КАРИМОВ,
Урганч туманидаги 11-болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчиси Отамурод Реимбаевнинг отаси:

— Учрашувда ўғлим Отамурод тор чертиб, “Мустаҳзод” кўшигини ижро этгани ва унга давлатимиз раҳбарининг оталарча ғамхўрлиги, қўллаб-қувватлаши қалбимни ниҳоятда тўлқинлантирди. Ушбу воқеа ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди, оиламиз билан ўғлимиздан жуда фахрландик. Отамуроднинг мусикага қизиқиши 4 ёшдан бошланган. Қўшни қишлоғимиздаги истеъдодли хонанда Огабек Шарифбоев унинг иқтидорини кўриб, келгусида яхшигина ижодкор чиқади, деган эътирофидан кейин унинг санъатга меҳри янада ортди. Ўғлим 9 ёшида қишлоғимиздан 17 километр узоқда жойлашган Урганч

туманидаги 11-болалар мусика ва санъат мактабига қатнай бошлади. Тор сирларини биринчи ўстози Ойбек Атаевдан ўрганди. Шу меҳнатлар самараси кечаги кунда яққол кўринди.

Президентимиз томонидан фарзандимга автомобиль совға қилингани бутун оиламиз учун қуттилмаган воқеа бўлди. Бу эътиборни қишлоғимиз аҳли, тумандошларимиз ва бутун Хоразм халқи катта қувват билан қарши олди. “Қишлоғимиз бола-шигина ижодкор чиқади, деган эътирофидан кейин унинг санъатга меҳри янада ортди. Ўғлим 9 ёшида қишлоғимиздан 17 километр узоқда жойлашган Урганч

иҳлоси қадрланганидир. Президентимизнинг ёш истеъдодларга бераётган мана шундай эътибори юрагимизга бир олам шодлик бағишлади. Бу умрбод ёдда сақлашга арзишган воқеа бўлди. Зеро, ҳар бир иқтидор меҳрдан куч олади.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсати кун сайин сайқалланиб бормоқда. Айтилган ҳар бир ташаббус ортда амалий қадам турибди. Бу ишонч ва ғамхўрлик ёшларни янада фаол, янада масъулиятли бўлишга чорлайди. Энг муҳими, йигит-қизлар ўз овози, тақлиф ва ташаббуслари эшитилаётганини қалбдан янги қилди. Шу туйғу уларни ҳис ғоялар сари етаклайди. Келажак эса айнан шу ишончдан бошланади.



ОРЗУЛАРИМИЗ ҚАНОТ ҚОҚДИ

Асал ЗИЁДОВА,
Қарши шаҳридаги «Болалар академияси» хусусий мактаби асосчиси:

— Бу йилги 24 февраль кўплаб тенгдошларим қатори ёдимда бир умр муҳрланиб қолади. Президентимиз билан мулоқотда иштирок этиш мен учун катта шараф ва унутилмас воқеа бўлди. Ушбу учрашувда сўз олиб, ўз ҳаёт йўли, тадбиркорликка қадам қўйишим ва ёш педагоглар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида фикрларимни билдирдим.

Мен тадбиркор ҳамда педагог сифатида инглиз тилини ўрганиш ва ўргатишга бўлган қизиқишим орқали фаолият бошлаганман. Талабалик пайтида кичик ижара хонада дарс ўтишдан бошланган йўлим бугунги кунда “Болалар академияси” хусусий мактабининг очига пойдевор бўлди. Бу осон кечмади, албатта. Бошида моддий қийинчиликлар, иккиланишлар ҳам бўлди. Лекин яратилган имкониятлар менга куч берди.

Вилоятимиздаги “Алоқабанк” АТБ томонидан ажратилган 2,5 млрд. сўмлик кредит ва икки йиллик имтиёзли давр оилавий тадбиркорлигимизни бошлашимизга мустақкам замин яратди. Бугун мактабимизда 400 га яқин ўқувчилар таълим олмоқда, 60 га яқин ходимлар ишламоқда. Жамоамизнинг асосий қисми ёш ва иқтидорли педагоглардан иборат. Бу алоҳида гуруҳ бағишлади.

Учрашувда бизнес мактаблари очиб ташаббусини қўллаб-қувватлашимни билдирдим. Чунки педагог бўлган ёшлар ҳам тадбиркорлик кўникмасига эга бўлиши керак. Бу ғоя кўплаб йигит-қизларга ўз орзусини рўйга чиқариш имконини беради.

Президентимиз томонидан билдирилган ишончни чуқур ҳис этдим. Бу ишонч бизга янада катта масъулият юклайди. Турмуш ўртоғим билан биргаликда “Болалар академияси” филиалларини Қашқадарёнинг барча шаҳар ва туманларида очишни мақсад қилганмиз. Шу орқали вилоятимизда хусусий таълим ривожига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

ҲУНАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Султонмурод ФАРҲОДОВ,
Тошкент шаҳридаги «Заргарлик академияси» асосчиси:

— Учрашувда битирувчи ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар ҳақидаги қарорни катта мамнуният билан қарши олдим. 15 йиллик тажрибага эга заргар сифатида шунинг айтиш керак, бу қарор ёшларга юксак ишонч ва тадбиркорлар учун кучли рағбатдир. Давлат бюджетини унун муайян харажат талаб этса-да, бу бизнинг келажакимизга қилинган муҳим сармоя. “Яширин иқтисодиёт”га қарши кураш кучайган бир даврда яратилган имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятимизни халол ва шаффоф олиб боришимиз шарт.

Фаолиятимиз давомида 500 дан ортиқ шогирдлар тайёрладим. Бугун улар юртимизда ва Осиё давлатларида меҳнат қилмоқда. Хориждан келиб, заргарликни ўрганиш истагини билдирган ёшлар борли-

ги соҳамизда экспорт салоҳияти мавжудлигини кўрсатади. Учрашувда техникумларда заргарлик йўналишларини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш тақлифини илгари сурдим. Заргарликда 5 йил шогирд бўлиб юриш шарт эмас. Амалдаги дастурий асосида 8 ойлик тизимли таълим орқали ёшлар касб эгаллаб, корхоналарда ишлаши ёки мустақил фаолият бошлаши мумкин.

Шунингдек, мис, кумуш ва олтинга ишлов бериш, “3D” дастурлар ва сунъий интеллект асосида ишлайдиган замонавий лабораториялар ташкил этиш ғоясини билдирдим. Ёшлар ўқиш жараёнидаёқ махсуслаштириб, уни бозорда синовдан ўтказиши керак. Мақсад — ҳар йили 500 нафар рақобатбардор, ўз брендига эга заргар-тадбиркорни тайёрлаш.

Бугун юртимизда 700 дан ортиқ заргарлик корхоналари бор. Кадрларга эҳтиёж юқори. Қўшни давлатларда ҳам мутахассисларга талаб катта. Бу имкониятни қўлдан бой бермаслигимиз керак.

Ёшларимизни заргарликка қизиқтириш, уларга ҳунар ўргатиш ва бандлигини таъминлаш бўйича ташаббусларда фаол қатнашишга тайёрман. Таъбир жоиз бўлса, олдин манзилга пиёда интилаётган бўлсак, бугун мамлакат раҳбарининг яратётган шароитлари туйғайли шу мақсад сари тезроқ ва осонроқ етиб бориш имкони пайдо бўлмоқда.

Учрашувда юртимизда ўтказилиши режалаштирилган халқаро шахмат олимпиадасидан илҳомланиб, Президентимиз учун шахмат шох донасини ясаганимизни айтдим. Уни бутун ёшлар номидан тақдим этиш мен учун катта гуруҳ бағишлади.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ — КРЕДИТ ОЛИШГА КЎМАКЧИ
Бехзод АЛИЕВ, ёш дастурчи:

— Куни кеча биз, ёшлар ҳаётида ўзига хос тарихий воқеалик юз берди. Президентимиз билан бўлиб ўтган учрашув кўплаб ташаббускор тенгдошларим ҳаётида муҳим бурилиш нуқтасига айланди. Мулоқот давомида илгари сурилган янги имкониятлар бизни ҳеч иккиланмай инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ қилишга ундайди. Учрашувда инновацион стартаплар учун 100 минг долларгача инвестиция киритишга қаратилган эътибор алоҳида аҳамият касб этди. Бу қарор замонавий технологиялар, сунъий интеллект ҳамда рақамли хизматлар йўналишида ишлаётган жамоалар учун кучли молиявий пойдевор вазифасини ўтайди. Айнакиса, халқаро тажрибага эга биз каби ёш мутахассислар учун бу катта имконият эшигидир.

АҚШнинг Иллинойс университетини тамомлаб, юртга қайтган, ахборот технологиялари соҳасида ўз ўрнини топишни ният қилдим. Натижада жамоамиз билан “MoliyAI” стартапини ишга туширдик. Лойиҳамиз “President Tech Award” танловидан 100 минг доллар мукофотга сазовор бўлган. Мукофот тартиб босқичидаги жамоамиз учун технологик ечимни такомиллаштириш, маълумотлар хафизисизлигини кучайтириш ва инфратузилмани ривожлантиришга етарли ресурс бўлди.

“MoliyAI” ғоясининг моҳияти оддий, аммо долзарб. Юртимизнинг чекка ҳудудларида кўплаб фуқаролар расмий даромад ҳужжатларига эга эмас. Банклар эса кредит ажратилишдан олдин миқдорнинг тўлов қобилиятини баҳолаши шарт. Айнан шу ерда ахборот етишмаслиги муаммоси юзага чиқади. Жамоа сунъий интеллект орқали катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиб, қарз олувчининг қайтариш имкониятини фойдаларда ҳисоблаб беради. Ана шу имкониятларни ўз ичига қамраб олган лойиҳамиз тақдимотини ҳам Президентимизга намойиш этдик.

ТЎХТАБ ҚОЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Ўғилжайрон ХАЛДУРДИЕВА,
«Ёш китобхон» танлови ғолибаси, «Мутула» лойиҳаси координатори:

— Китоб билан улғайиб, орзуларига мутула орқали эришяётган қорақалпоқ қизи сифатида мамлакатимиз истеъдодли қизларимизнинг сифатида мамлакатимизда китобхонлик маданиятини янада оммалаштириш, тенгқурларим ўртасида мутулага қизиқишни кучайтириш бўйича тақлифларни билдирдим. Президентимиз билан кўл бериб қуришганимда, бу инсоннинг “Қорақалпоғистонлик қизим, мен сизларга ишонаман, ҳаракатдан тўхтаман”, деган сўзлари қалбимга чуқур ўрнашди. Шу лаҳзада елкамда катта масъулият борлигини ҳис қилдим.

— Ҳаётга бошқача кўз билан қарай бошладим. Шу боис мулоқот чоғида мамлакатимизда китобхонлик маданиятини янада оммалаштириш, тенгқурларим ўртасида мутулага қизиқишни кучайтириш бўйича тақлифларни билдирдим. Президентимиз билан кўл бериб қуришганимда, бу инсоннинг “Қорақалпоғистонлик қизим, мен сизларга ишонаман, ҳаракатдан тўхтаман”, деган сўзлари қалбимга чуқур ўрнашди. Шу лаҳзада елкамда катта масъулият борлигини ҳис қилдим.

Энди мен ортимдан ёшларни эргаштира олишим керак. “Китобхон миллат” ғоясига амалий ҳисса қўйишим зарур. Тўхтаб қолишга ҳаққимиз йўқ. Доимо ўқиш, изланиш ва олға интилиш асосий мақсадим бўлади.



ТАШАБУСДАН — АМАЛИЙ ҲАРАКАТГА

Муродбек РАҲМОНБЕРДИЕВ,
Ёшлар ишлари агентлигининг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи:

— Юртимизда ёшлар сиёсати мутлақо янги мазмун билан бойимокда. Президентимизнинг йигит-қизлар билан учрашувида илгари сурилган ташаббуслар бу борада аниқ дастурий йўналишни белгилаб берди. Хусусан, ҳудудларда “Ёшлар бизнес инкубатори”ни ташкил этиш ғояси келажак ворисларини тадбиркорликка ўқитиш, ғояни лойиҳага айлантириш ва молиявий кўмак механизми билан бир жойга жамлашни назарда тутди. Жиззахда ўтган 2025 йил давомида амалга оширилган ишлар ушбу сиёсатнинг амалий ифодасига айланган.

— Юртимизда ёшлар сиёсати мутлақо янги мазмун билан бойимокда. Президентимизнинг йигит-қизлар билан учрашувида илгари сурилган ташаббуслар бу борада аниқ дастурий йўналишни белгилаб берди. Хусусан, ҳудудларда “Ёшлар бизнес инкубатори”ни ташкил этиш ғояси келажак ворисларини тадбиркорликка ўқитиш, ғояни лойиҳага айлантириш ва молиявий кўмак механизми билан бир жойга жамлашни назарда тутди. Жиззахда ўтган 2025 йил давомида амалга оширилган ишлар ушбу сиёсатнинг амалий ифодасига айланган.

“Келажакка қадам” лойиҳаси доирасида “Миллий банк” АЖнинг вилоят бўлими томонидан 232 нафар талабанинг 6,9 млрд. сўмлик ташаббуслари молиялаштирилди. Бу маблағ мутахассисларнинг мустақил фаолият бошлашига жиддий туртки беради. Лойиҳа 4 478 нафар битирувчининг бандлигига хизмат қилиши режалаштирилгани эса таъсир доираси анча кенг эканини кўрсатади. Асосийси, ёшлар тадбиркорликка жалб этилгани сари уларнинг ижтимоий фаоллиги ошиб, ҳудудларда ишсизлик даражаси пасаяди, ички бозорда рақобат муҳити шаклланади. Шундай экан, вилоятимиз яқин йилларда инновацион ва тадбиркор ёшлар марказларидан бирига айланиши, шубҳасиз.

Улуғбек РЎЗИМАТОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Россиянинг Екатеринбург шаҳридаги музейда Амир Темур мақбарасига тегишли ғайриоддий тарихий артефакт сақланмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 25 699 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоини келиштилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бахромова.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6